

Шерзод Дусманов

ЎзМТДП етакчи мутахассиси.

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЙОРТИ  
ҲАМКОРЛИГИ**

**Аннотация.** Уибу мақолада Баркамол авлоднинг соглом турмуши тарзини шакллантиришида маҳалла ва олий ўқув юрти ҳамкорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бир қаторда мақолада, давлатнинг жон томири ёшларимиз эканлиги ва уларнинг кенг тафаккури, ақл-идроки ҳам миллий маънавиятимизни юқори даражада шаклланиши учун муҳим омил эканлиги ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Калим сўзлар.** Давлат, тараққиёт, жамият, инсон ва ёшлар, соглом тафаккур, ақл-идрок, миллий маънавият, дунё ҳамжамияти, соглом турмуши тарзи, миллий гоя, миллий мағкура, ватанпарварлик, фидойи фарзандлар, миллат равнағи.

*Sherzod Dusmanov*

*Leading specialist of the National  
Revival Democratic Party of Uzbekistan*

**COOPERATION OF THE NEIGHBORHOOD AND HIGHER  
EDUCATIONAL INSTITUTION IN THE FORMATION OF A HEALTHY  
LIFESTYLE OF THE HARMONIOUS GENERATION**

**Abstract.** In this article, information about the cooperation of the neighborhood and the higher educational institution in the formation of a healthy lifestyle of the harmonious generation is presented. Along with this, the article also provides insights into the fact that the lifeblood of the state is our youth, and their broad perception, intelligence, is also an important factor for the formation of our national spirituality at a high level.

**Key words.** State, development, society, people and youth, healthy thinking, common sense, national spirituality, world community, healthy lifestyle, national idea, national ideology, patriotism, selfless children, prosperity of the nation.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиб, тараққиёт сари одимлаб бориши, жаҳон ҳамжамиятига юз тутиши кўп томонлама шу ерда яшаётган инсонларнинг, хусусан ёшларнинг чексиз меҳнати самарасига боғлиқ. Чунки давлатнинг жон томири шубҳасиз ёшлардир. Лекин яна шу нарса маълумки, ёшларнинг давлатни ривожлантиришида уларнинг кенг тафаккур, ақл-идроқ, миллий маънавиятининг қай даражада шаклланганлиги муҳимдир. Демакки, ҳар қандай ёш авлод ҳам бу каби сифатларга эга бўлавермайди. Бу эса кўп жиҳатдан ёшлар ҳаётида соғлом турмуш тарзининг шакллангани билан ўлчанади. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи бугунги кундагидек долзарб масалани ўртага ташламоқда.

Бу масалани ҳал этишда ёшларни дунё ҳамжамиятида юз бераётган ҳар қандай ўзгаришлардан вооқиф этиш, жаҳон узра ёйилган турли ақидапарастлик гурухлар, терроризм, экстремизм каби бузгунчи кучлардан асраш, ҳамда уларга қарши курашувчи миллий онг, миллий ғуур ва миллий маънавиятни таркибиға оловчи мафкуравий иммунитетни равнақ топтиришимиз айни муддаодир. Айнан ана шу тушунчалар билан ёшларни, айниқса, республикамизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг онгини қуроллантишимиз мақсадга эришиш йўлларидан бирини белгилаб беради.

Бундай эзгу мақсад йўлидан оғишмай боришимизда бизга чексиз ватанпарварлик рухида йўғрилган миллий ғоя, миллий мафкура ва миллий маънавиятимиз улкан ёрдам беради. Чунки ҳар қандай миллат у ҳоҳ ўзбек, ҳоҳ рус, ҳоҳ япон бўлишидан қатъи назар тақдирини, камолга етаётган ёшларнинг келажагини ана шундай тушунчаларнинг қай даражада шаклланганлиги белгилаб беради.

Миллий маънавият, миллий мафкура ва миллий ғоя равнақи бугунги кунда талаба-ёшларга берилаётган таълим-тарбия ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги барчамизга яхши маълум. Шундай экан бу масалага яъни таълим-тарбия ишларига эндиликда янада чукурроқ ёндашишимиз талаб этилади.

Чунки талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг , уларнинг онгида миллий маънавиятга нисбатан соғлом дунёқарашни, эътиқодни ривожлантиришда бевосита уларга берилаётган таълим-тарбия сифатининг қай даражада равнақ топганлигини ўз вактида аниқлаб, тегишли чора-тадбирларни қўллай олишимиз лозим. Бундай ишларни амалга оширишда таълим-тарбия ишларида «Маҳалла-олий ўқув юрти» тизимидан кенг фойдаланиши бизга кўзланган пировард натижаларни беради.

Аслини олганда, азалдан маҳалла та-лим-тарбиянинг бешиги бўлиб ҳисобланиб келинган. Айнан ана шу масканда миллий ғурур ва миллий ифтихор, ўзликни англаш, миллий ғоялар йўлида событқадамлик каби эзгу тушунчаларнинг дастлабки куртаклари униб чиқкан. Демак талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда дастлабки фаолиятни маҳалладан бошлаб, сўнгра уни олий ўқув юртларида давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Бунда эса «Маҳалла ва олий ўқув юртлари» ҳамкорлик тизими майдонга келади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир-бирини тақозо этади ва тўлдиради. Бу каби ишларни ҳал этишда эса биз қуидаги вазифаларни амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ бўлади:

**Биринчи вазифа-** талаба-ёшларнинг соғлигини мустаҳкамлаш. Бунинг учун эса маҳаллаларда ҳамда олий ўқув юртларида тегишли спорт заллари, маҳсус соғломлаштириш масканлари фаолиятини жонлантиришмиз ва бу ерга талаба-ёшларнинг турли тўгаракларда жалб этилишини муттасил кузатишмиз, керак бўлса маҳаллада яшаётган ҳар бир талаба-ёшларнинг қандай спорт тўгаракларида иштирок этаётганлигини узлуксиз назорат қилишимиз лозим.

**Иккинчи вазифа-** талаба-ёшларни дунёда бўлаётган ўзгаришлардан вооқиф этиб турувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ), турли кулублар, интернат алоқа воситаларининг ишини жадаллаштиришимиз; уларда асосан соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига оид мақола, очерк, радио ва телэшиттиришлар , кинодастурлар, мултимедия ўйинларини иложи борича кўпроқ юзага чифаришимиз; айниқса, кейинги йилларда талаба-ёшлар ўртасида кенг ёйилган турли хил уяли алоқа воситаларига қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Биз эса айнан ана шулардан восита сифатида фойдалансак бўлади.

Бунинг учун республикамиз телефон компаниялари томонидан соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ундовчи қисқа-қисқа, лекин таъсири кучли бўлган, миллий ғоявий тушунчалар йўғрилган маълумотларни, сўзларни СМС тарзида уяли алоқа воситаларига юборишимиз, бу вазифани амалга оширишимизда эса тегишли мутасадди ташкилотлар фаолиятини риволантириш ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак. Мисол тариқасида СМС лар «Сиз Ватан учун нима қилдингиз?!», «Ватан равнақи сизнинг қўлингизда!», «Сиз фидокор инсонсиз!» каби сўзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Учинчи вазифа-** талаба-ёшлар билан биргаликда маҳалла ва олий ўқув юртлари ҳамкорлигига “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз”, “Менинг маҳаллам- ватанпарварлар макони”, “Илм даргоҳим-зиё манзили” номли кўриктанловларни тез-тез ўтказиб туриш ҳам мақсадга эришишнинг этакчи йўлларидан биридир.

**Тўртинчи вазифа-** талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга онгли муносабатни тарбиялаш бўлиб, бу уларнинг гигиена қоидаларига риоя этиши, носоғлом муҳит ҳақида маълум билим, кўнишка ва малакаларга эга бўлиши, керакли жойларда ўзларининг ижодий фикрлашлари, мустақил ғоявий кучни эгаллаганлиги, миллий ғояларни қай йўлдан бориш, собитқадамлик, носоғлом муҳитни қандай йўқотиш каби тушунчаларни шакллантишимиз лозим.

Айнан юқорида саналган тўртта вазифани амалга оширишимиз бу бизнинг эзгу мақсад йўлидан қадам ташлашимизда байроқ бўлажак. Шу вазифаларни амалга оширишимиз баробарида биз яна қуидаги асосий йўналиш ва омилларга эътибор беришимиш лозим:

-ҳар бир жамиятнинг, тузумнинг тарихий ривожланишида ёшлар муаммосининг мавжудлиги, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларининг этакчилиги ва бу масаланинг асосий қисмининг ечимлари таълим-тарбия жараёнига боғлиқ. Хусусан бу жараёнда “Маҳалла ва ўқув маскани” ҳамкорлик тизими масалалари устуворлик қиласи;

- ҳар бир давлат тараққиётининг асосини шу ерда яшаётган ёшларнинг таълим-тарбияси ташкил этиши;

-Шарқ халқлари тарихий тараққиётида ёшлар таълим-тарбияси, уларга соғлом турмуш тарзи шаклланишининг ижтимоий-сиёсий, маънавий, маърифий масалалари сифатида қараб, катта эътибор бериб келганлиги ва бу тараққиёт соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг тарихий методологик асосини ташкил этишни инобатга олиш;

-ёшларнинг таълим-тарбиясида соғлом турмуш тарзининг шаклланиши педагог-мураббийлар, устозлар меҳнати этакчи омиллардан эканлиги;

- ёшларда соғлом турмуш тарзини шаклланиши олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос томонларининг мавжудлиги ва бу соҳадаги ишларни кенг ривожлантириш лозимлиги.

Демак, талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёни ҳамда унинг мазмуни давлат талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, давлатни тараққиёт сари одимлашида улкан аҳамиятни касб этади.

Талаба-ёшлар тафаккурига, уларнинг онгига, маънавиятига соғлом турмуш тарзини олиб киришимиз, уларга салбий таъсир этувчи ҳар қандай ёвуз ғояларга таълим-тарбия жараёнида талаба-ёшларни уларга қарши қуроллантишишимиз, мафкуравий иммунитетни кучайтишишимиз шарт. Талаба-ёшларни юртга садоқат, миллий-маънавий тарихимизга, қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашимиз лозим. Ана шундагина талаба-ёшларимиз ўзлигини англаб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини онгига сингдириб, миллат равнақига самарали ҳисса қўша оладиган фидоий фарзандлар бўлиб етишади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент: Ўзбекистон. 2017. 592-б.
2. Барқамол авлод орзуси. - Тошкент. Шарқ. 1999.
3. “Оила ва болалар билан ишлаш”. МинВУЗ-РССАД-ТДМАДИ-ЮНИСЭФ. – Тошкент. 2009.
4. Бу мақаддас ватанда азиздир инсон. – Тошкент. F.Фулом. 2010.